

742/1481 - عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: غَزَوْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غَزْوَةَ تَبُوكَ، فَلَمَّا جَاءَ وَادِي الْقُرَى، إِذَا امْرَأَةٌ فِي حَدِيقَةٍ لَهَا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ: «اخْرُصُوا»، وَخَرَصَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرَةَ أَوْسُقٍ، فَقَالَ لَهَا: «أَحْصِي مَا يَخْرُجُ مِنْهَا». فَلَمَّا أَتَيْنَا تَبُوكَ قَالَ: «أَمَا إِنَّهَا سَتَهَبُ اللَّيْلَةَ رِيحٌ شَدِيدَةٌ، فَلَا يَفُومَنَّ أَحَدٌ، وَمَنْ كَانَ مَعَهُ بَعِيرٌ فَلْيَعْقِلْهُ». فَعَقَلْنَاهَا، وَهَبَّتْ رِيحٌ شَدِيدَةٌ، فَقَامَ رَجُلٌ، فَأَلْقَتْهُ بِجَبَلٍ طَيِّبٍ. وَأَهْدَى مَلِكٌ أَيْلَةَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْلَةً بَيْضَاءَ، وَكَسَاهُ بُرْدًا، وَكَتَبَ لَهُ بِبَحْرِهِمْ، فَلَمَّا أَتَى وَادِي الْقُرَى قَالَ لِلْمَرْأَةِ: «كَمْ جَاءَ حَدِيقَتُكَ؟» قَالَتْ: عَشْرَةَ أَوْسُقٍ، خَرَصَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنِّي مُتَعَجِّلٌ إِلَى الْمَدِينَةِ، فَمَنْ أَرَادَ مِنْكُمْ أَنْ يَتَعَجَّلَ مَعِي فَلْيَتَعَجَّلْ». فَلَمَّا - قَالَ ابْنُ بَكَّارٍ كَلِمَةً مَعْنَاهَا - أَشْرَفَ عَلَى الْمَدِينَةِ قَالَ: «هَذِهِ طَابَةٌ». فَلَمَّا رَأَى أَحَدًا قَالَ: «هَذَا جُبَيْلٌ يُجْبُنَا وَنُحْبُهُ، أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِخَيْرِ دُورِ الْأَنْصَارِ؟» قَالُوا: بَلَى، قَالَ: «دُورُ بَنِي النَّجَّارِ، ثُمَّ دُورُ بَنِي عَبْدِ الْأَشْهَلِ، ثُمَّ دُورُ بَنِي سَاعِدَةَ، أَوْ دُورُ بَنِي الْحَارِثِ بْنِ الْحَزْرَجِ، وَفِي كُلِّ دُورِ الْأَنْصَارِ» يَعْنِي خَيْرًا.

742.1481. Абу Ҳумайд Соъидийдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Табук ғазотига чиқдик. У зот Водил-қурога* келганларида ўз боғида турган бир аёлга дуч келдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига: **«Чамаланглар»**, дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўн васақ* чамаладилар-да, аёлга: **«Бундан чиқадиган нарсани ҳисобла»**, дедилар. Табукка келганимизда: **«Ҳой! Бу кеча қаттиқ шамол эсади, ҳеч ким ўрнидан турмасин. Кимда туя бўлса, уни боғлаб қўйсин»**, дедилар. Биз уларни боғлаб қўйдик. Қаттиқ шамол эсди. Бир киши ўрнидан турган эди, (шамол) уни Тай* тоғига улоқтириб юборди.

Айла* подшоҳи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга оқ хачир совға қилди ва бурда кийдирди. У зот унга уларнинг ўз юртида қолишлари ҳақида аҳднома ёзиб бердилар.

Водил-қурога келганларида, ҳалиги аёлга: **«Боғинг қанча чиқди?»** дедилар. «Ўн васақ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чамалаганларидек», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен Мадинага шошяпман, сизлардан ким мен билан тезроқ боришни истаса, шошилсин»**, дедилар. Мадинага яқин келганларида - Ибн Баккор шу маънодаги гапни айтган эди* - **«Бу Тобадир»***, дедилар. Ухудни кўриб: **«Бу шундай тоғчаки, у бизни севади яхши кўради, биз ҳам уни яхши кўрамыз севамыз. Менга қаранглар, сизларга ансорларнинг энг яхши хонадонлари ҳақида хабар берайми?»** дедилар. «Ҳа», дейишди. У зот: **«Бану Нажжор хонадонлари, кейин Бану Абдулашхал хонадонлари, кейин Бану Соъида ёки Бану Ҳорис ибн Ҳазраж хонадонлари. Ансорларнинг ҳар бир хонадонидан бор»**, дедилар. Яъни «яхшилиқ бор», демоқчи бўлдилар».

* Водил-қуро - Мадинанинг Шом тарафида жойлашган қадимги шаҳарлардан бўлиб, у билан Мадина оралиғи уч мил (5,544 км) бўлган («Фатҳул-Борий»).

* Васакнинг изоҳи 1405-ҳадисда берилган.

* Тай тоғи - Мадина билан Шом ўртасида, денгиз бўйида жойлашган тоғ.

* Айла - ўша вақтларда Мисрдан Маккага кетиш йўлида, Қизил денгиз соҳилида жойлашган, қалъали машҳур шаҳар. Мисрдан келишда Сино водийсидан кейин келади.

* Ибн Баккор имом Бухорийнинг шайхларидан бўлиб, бу ҳадисни у кишига шу устози айтиб берган. Бухорий омонат юзасидан «Мадинага яқин келганларида» деган жумладаги айрим сўзларда иккиланганини айтиш билан бирга, маъно шундай эканини таъкидлаб қўймоқда.

* Тоба - яхши, олийжаноб, ёқимли. Набий алайҳиссалом Мадинани шундай деб ҳам номлаганлар.

Манба: hadis.islom.uz



